

**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазирлиги ички аудит хизмати фаолиятининг 2024 йилнинг ўтган давр
мобайнида амалга оширилган ишлар бўйича
ҲИСОБОТИ**

Вазирликнинг Ички аудит бошқармаси томонидан 2024 йил учун тасдиқланган режага мувофиқ **12 та**, режадан ташқари **10 та** ички аудит тадбирлари ўтказилди. Ички аудит тадбирлари **27 та ички аудит объектларида** ўтказилди.

Ҳусусан, Тошкент вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (кейинги ўринларда – Бош бошқарма деб юритилади) Давлат меҳнат назорати инспекцияси, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси, Хоразм вилоят Бош бошқармаси, Урганч шаҳар ва Урганч туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари (кейинги ўринларда – туман (шаҳар) бўлимлари деб юритилади) ва Хоразм вилояти Касб-хунарга ўқитиш маркази, Қашқадарё вилоят Бош бошқармаси, Кўкдала ва Деҳқонобод туман бўлимлари, Тошкент шаҳар Юнусобод ва Шайхонтохур туман бўлимлари, Навоий вилоят Бош бошқармаси, Навбахор, Хатирчи ва Қизилтепа туман бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Нукус ва Тўрткўл туман бўлимлари, Андижон вилоят Бош бошқармаси, Балиқчи туман бўлими, Наманган вилоят Бош бошқармаси, Косонсой ва Поп туман бўлимлари, Фарғона вилоят Бош бошқармаси, Сўх туман бўлимлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш марказида ҳамда Тошкент ходимларни бошқариш ва меҳнатни муҳофаза қилиш коллежларида ички аудит тадбирлари ўтказилиб, бир қатор молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ўтказилган ички аудит тадбирлари якуний ҳисоботларига кўра зиммасига юкланган вазифаларнинг етарли даражада бажарилишини таъминламагани, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузилишига йўл қўйганлиги ҳамда молия-хўжалик фаолиятида аниқланган молиявий камчиликларнинг олдини олиш бўйича лозим даражада назорат қилмаганлиги учун **10 нафар** ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинган ҳамда **63 нафар** ходимларга “**Ҳайфсан**” интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Ички аудит тадбирлари натижасига кўра, молиявий хато ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида шу каби ҳолатларни такрорланмаслиги, ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш мақсадида вазирлик марказий аппарати бошқарма ва бўлинма раҳбарларига, тасарруфий ва тизим ташкилотлари раҳбарларига аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Аниқланаётган молиявий хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида, вазирлик ҳузуридаги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларини малакасини ошириш марказида Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят бош бошқармалари, туман Камбағалликни қисқартириш ва

бандликка кўмаклашиш бўлимлари бош ҳисобчилари, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланиш ва Жамоат ишлари жамғармасининг жамоат ишлари дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўйича бош мутахассислари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва интерактив хизматлар кўрсатиш бўлими бошлиқлари, “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари бош ҳисобчиларининг соҳавий билим ва кўникмаларини ошириш, ўрганишларда аниқланаётган тизимли хато ва камчилкиларни олдини олиш учун семинар-тренинглар ташкил этилмоқда.

Ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш ва ошириш бўйича жорий йилнинг ўтган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йил 12 февралда тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида бюджет тизими бюджетларининг маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан мониторинг ва назорат тизимини ўрнатиш тўғрисида”**ги Қўшма қарори ҳамда Вазирликнинг жорий йил 21 февралдаги “Қўшма қарор ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 26-сон буйруғи қабул қилинди.

Қўшма қарор ижросини таъминлаш мақсадида вазирликда “Ситуацион марказ” ташкил этилди. Ушбу марказда Молия-иқтисод бошқармаси, Ички аудит бошқармаси ва Коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимлари бириктирилиб, бюджет тизими бюджетларининг маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилиши юзасидан масофавий аудит тизими йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 10-июлдаги ПФ-100-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида вазирликда “Хавфларни бошқариш” кўмитаси ташкил этилди.

Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Жамоат жамғармаси, Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаларидан ажратилаётган маблағларнинг кунлик мониторинги олиб борилмоқда.

Жорий йил 5 октябр куни вазирликда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда Қўшма қарор ижроси бўйича амалга оширилган ишлар танқидий муҳокама қилиниб, вазирлик марказий аппарати масъул ходимларига ҳамда ҳудудий Бош бошқарма бошлиқларига вазифалар белгиланди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-100-сонли Фармони мазмун-моҳияти тушунтирилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси назорат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъулларидан иборат Ишчи гуруҳи томонидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда топшириқларининг ижро ҳолати, соҳани қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш аҳволи юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокама қилиниб, масъулларга аниқ вазифа ва топшириқлар берилди.